




● БЕКОВОД районидagi Дзержинский номидаги колхознинг илгор механик ҳайдовчилари Самад Самиев ва Этам Муродбековлар мавсумда 160—170 тоннадан пахта териш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

Суратда: механик ҳайдовчилар С. Самиев ва Э. Муродбековлар.

М. Қорабеков фотоси.

КОМСОМОЛЛАР ПЕШКАДАМ

Юксак маҳорат, пахта териш машиналарини бошқариш усулларини жуда соз билиш, меҳнатни оқилона ташкил этиш Коммунистик раёонидagi «Политотдел» колхозидан ёш механизатор, комсомол аъзоси Аҳмаджон Пралиева хўжаликда мусобақа пешқадами бўлишга ёрдам берди. У смена давомида машина бункеридан 12 тонна пахта бўшатди.

Ёш дарға беш йиллигининг учинчи йилида ўз агрегати билан намида 150 тонна пах-

та териш мажбуриятини олган. У мусобақадаш ўртоғи, механик-ҳайдовчи Равшан Эргашевдан оққада қолмасликка ҳаракат қилади. Қолган пахтакорлар ҳам пешқадамга тенглашмоқдалар. Хўжаликдаги комсомоллардан 300 дан кўпроғи киши бу йилги пахта йиғим-теримда қатнашмоқда. Буларнинг деярли ҳаммаси белгиланган нормаларини анча ошириб адо этмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ТЕРИМ АВЖИДА

ОҚҚУРҒОН районидagi Вотивцев номидаги колхознинг Холмирова Абдураимов бошчилиги қилаётган бригадаси заршуносларнинг қувончлари чексиз. Бу бекиз эмас, 119 гектар майдонда эрта баҳордан кузгача катта меҳнатлар эвазига мўлжалдаги ҳосил етиштирилди. Бугун эса «оқ олтин» йиғиб-териб олинмоқда.

— Куз бизга ҳам қувонч, ҳам ташвиш олиб келади, — дейди Х. Абдураимов, — Чунки бу фаслда меҳнатимиз самарасининг гувоҳи бўламан. Аксинча, ёғингарчилик бўлса ташвишимиз ортиб кетади. Лекин биз йиғим-теримга пухта тайёрлик кўрдик. Барча ишчи кучлари, машина ва механизмлар тўла сафарбар этилган.

Дарҳақиқат, бригадада айни кунларда йиллик планининг 6—7 проценти миқдорда пахта тайёрлашга эришилмоқда. Ёкутой Бурхонбаева, Фотима Ҳамроева, Холбуни Темирбекова сингари кўпмишқилорамчи теримчилар ўзaro мусобақалашиб, кунига 140—170 килограммдан дурдона териб хирмонга тўқинмоқда. Уларнинг ҳар бири мавсумда 8—10 тоннадан «оқ олтин» теришга сўз беришган.

Т. ЗОКИРОВ.

«ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР ПАРВОЗИ

200.000-сонли

ТОШКЕНТ. (ТАСС). «Ташсельмаш» заводиди конвейеридан 200.000-сонли пахта териш комбайни тушди.

Бу машина кенг қатор ораларида ишлашга мўлжалланган. У тўқилган пахтани териб олгич ва тозалогич билан жихозланган. Корхона коллективи колхоз ва совхозларга йиғим-терим палласигача техника етказиб бериш планини бажарди.

(«Правда»нинг 27 сентябрь сонидан).

АНА шундай катта меҳнат галабаси беҳтиёр корхона тарихи билан боғлиқ бўлган айрим босқичларини ёдга келтирарди.

Ўрта Осиёда пахта етиштиришга ихтисослашган серқуёш республиканинг маданий марказига айлана бошлаган Тошкент шаҳрида 1928 йилда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхонаси қури-

лиши планлаштирилди. Биринчи беш йиллигининг тўнчи «Ташсельмаш» заводи «Главхозпоком»нинг аввалги механика устаноналари ўрнида қад ростила бошланди. Бу объект барвақт ишга туширилишининг зарурлигини туғайди ҳам кўп ўтмай у зарбдор қурилмаларга айланиб кетди. Бир йил ўтар-ўтмас кейинчалик «Сельмаш»

корхона биринчи йилларда асосан пахта тозалаш ва ёғ-мой заводларининг технологик ускуналари учун зарур эҳтиёт қисмлар етказиб бериш билан банд бўлар эди. Машинасозлиги маҳсулотларини эса ишлаб чиқариш ҳажмининг бор-йўғи 15 процентини ташкил этганди. 60-йилларга келиб корхонамизда «ХВС-1,2» терим машиналари иш-

тари бажарилар. Шу кунгача 1400 гектар майдондаги канопзордан 25 минг 800 тоннадан ортиқ ҳосил йиғиштириб олинди. Хўжаликнинг Қўлмат Муродов, Тўхтамурад Имомқулов, Мурод Ойнакулов, Чин Тха Рен, Павел Пан ўртоқлар бошчилиги қилаётган бригадаларда, айниқса мўл ҳосил етиштирилди. Бу коллективларнинг дубюлари ҳар гектар ердан 200—250 центнердан «кўк олтин» йиғиштириб олдилар.

Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан хўжалик деҳқонлари давлатга яна 200 тонна сифатли каноп етказиб бериш мажбуриятини олишди. Айни кунларда колхоз дала-ларида сўнгги гектарлардаги каноп ҳосили йиғиштириб олинмоқда.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ
КОММУНИСТИК РАЙОНИДАГИ «Правда» колхоз дубюлари каноп тайёрлаш йиллик планини муддатидан ил-

ГАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ЯНА 2,5 МИНГ ТОННА
САБЗАВОТ

СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақияти баъжарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган Калинин районидagi Калинин номидаги колхоз сабзавоткорлари ўз биринчи беш йиллигининг ҳал қилувчи йиллиги муваффақиятли ақулламоқдалар. Хўжалик деҳқонлари сабзавот тайёрлаш йиллик планини ҳам шараф билан бажардилар. Ўз дастурхонига 6160 тонна ўрғин 6250 тоннадан ортиқ сархил сабзавот маҳсулотларини етказиб берилди. Колхозда, ай-

ниқса пилёз, бодрил, сабзанд мўл ҳосил етиштирилди. Жумладан, 220 ўрғинга 416 тонна пилёз, 300 ўрғинга 508 тонна бодрил, 205 ўрғинга 366 тонна сабзи йиғиштириб олинди.

Картошкорлар эришган ютуқ ҳам қувончли бўлди. Давлат қабул пунктларига 2 минг тонна картошка етказиб берилди, бу соҳадаги йиллик план 192 процент баъжарилди. Хўжаликнинг СССР Давлат мукофотининг лауреати Солих Каримов, Карим Ибодов, Турғун Ҳисматов, Ғафур Абдуллаев, Сайдоб Қорабеков, Аҳмад Абдуллаев синга-

ЧИНАКАМ ДЕМОКРАТИЯ

Бу ўринда демократиянинг наминат иқтисодий ҳаёти асослари билан бевосита алоқаси кўзга ташланади. Бу ҳақда ўз вақтида В. И. Ленин ҳар бир демократияни пириворд натижада мажмур жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатлари билан белгиланади, деб ёзган эди. Совет демократиясининг иқтисодий асосини ишлаб чиқариш воситаларига социалистик мулкчилик ташкил этади. Барча граждандар ишлаб чиқариш воситаларининг тенг ҳуқуқли эгалари ҳисобланадилар. Улар ишлаб чиқаришни бошқаришда, жамият ҳаётининг турли томонларига тааллуқли давлат қарорларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш имкониятига эгадирлар. Масалан, кўпгина қонунлар, шу жумладан улардан энг сўнгиларидан бири — меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Айниқса, 1977 йилда қабул қилинган СССР Конституциясининг муҳозаа қилиниш умумхалқ кўламининг олди. Деярли тўрт ой давом этган муҳокамада 140 миллион киши ёки мамлакат катта ёшли аҳолисининг бешдан тўрт қисминдан кўпроғи иштирок этди.

Граждандар ҳуқуқлари ва эркинликларини мунтазам кенгайтириб бориш совет демократиясининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Иқтисодий ишлаб чиқаришни айрим шахс ва гуруҳлар манфаатларига эмас, балки бутун халқ манфаати хизматига қўйган социалистик жамият буржуазия демократиясидан фарқли ўлароқ совет граждандарининг иқтисодий

ва сиёсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини реал таъминлайди, уларнинг амалга оширилишини гаранталайди. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар орасида меҳнат қилиш ва касб танлаш, дам олиш, оналикни муҳофаза қилиш, қариган чоғда, касал бўлиб қолганида, меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотишда, шунингдек боқувчисиз қолганида моддий таъминот олиш ҳуқуқи, уй-жойли бўлиш, илм олиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари бор.

Ҳозир амалдаги Конституцияда СССР граждандарининг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳам муним қаторда уларнинг йўқотишда, шунингдек боқувчисиз қолганида моддий таъминот олиш ҳуқуқи, уй-жойли бўлиш, илм олиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари бор.

Социалистик демократия меҳнаткашларга иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида кенг ҳуқуқ бериш билан бир қаторда уларнинг граждандарлик бурчларини ҳам белгилаб беради. Бу бурчлар жамият манфаатлари, социалистик давлат манфаатларидан келиб чиқади. Иқтисодий муносабатлар, социалистик жамиятда қабул қилинган қонун ва ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилиш социалистик демократияни муваффақиятли ва самарали равишда янгилаштиришнинг зарур шарти ҳисобланади.

Совет демократиясининг миллат ва ирқ соҳасида тенг ҳуқуқлиликни таъминлашда

эришган муваффақиятлари ҳам яққолдир. В. И. Ленин даврида СССР халқлари ва элатлари ўртасида адолатли ва уйғун муносабатлар ўрна-тиш учун бошланган иш ҳо-лоқда, шунингдек совет жамияти сиёсий бирлигининг мислсиз муносабатларининг маданий бўлмаган. Совет Иттифоқида миллатларнинг тенглиги фақат юридик жиҳатдангина эмас, амалда ҳам таъминланди. Иттифокдаги барча республикалар, шу жумладан илгари иқтисодий ва маданий жиҳатдан қоқол бўлган республикалар ҳам юксак тараққиёт қўқилари билан қўтарилдилар. Турли ирққа ва миллатга мансуб бўлган граждандарнинг тенглиги 1977 йилги СССР Конституциясининг мувофиқ СССР барча миллатлари ва элатлари ҳар тарафлама ривожланиш қаратилган сиёсат билан гаранталади.

Шуни айтиш керакки, демократизм ва чукун интернационализм фақат мамлакат ички сиёсатидагина тааллуқли эмас. Совет давлатининг ташқи сиёсати ҳам социалистик тузумнинг моҳиятидан келиб чиқадиган принципларга асосланган. Мамлакат хавфсизлигини, тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга қўмаклашиш Совет Иттифоқининг халқаро майдондаги фаолиятини белгилайдиган асосий вазифалардир. Улар Конституцияда мустаҳкамланган. Шунинг учун ҳам тинчлик учун кураш масалалари СССР Олий Советининг доимий қўмитаси эътиборида туриши табиқий.

Б. ТОПОРНИН,
юридик фанлари доктори,
СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири.
(АПН).

ҲАҲОН АНТИЛИКЛАРИ ТИНЧЛИККА БЎЛГАН МУСТАҲКАМ ПРОДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг баёоноти бутун дунёда ҳамоно зўр қизиқчи уғғотмоқда ва унинг ҳусусида кенг қўламада фикр-мулоҳазалар билдириляётганлигини таъкидлайди. Бу эса қонунийдир: чунки Москвада яна ақл-идрок ва тинчлик салоси янградики, бу эса планета халқларига ва аввало Европа халқларига тинчлик учун халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашда янги кўч бағишлайди.

ГДРда чиқадиган «Берлинер цайтунг» газетаси совет раҳбарининг баёоноти, ҳусусида халқаро майдонда нийҳоятда кенг қўламада фикр-мулоҳазалар билдириляётганлигини таъкидлайди. Бу эса қонунийдир: чунки Москвада яна ақл-идрок ва тинчлик салоси янградики, бу эса планета халқларига ва аввало Европа халқларига тинчлик учун халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашда янги кўч бағишлайди.

Совет Иттифоқининг Ю. В. Андропов баёонотида айтилган тинчлик ташаббуслари қулоқсизланганига доир музокара ва адолатли натижадор деб ўқитилди. Ўзбекистонда «Ния За» газетаси. Рейган маъмурияти ҳамон муҳофизат қилиб, уруш йўлига амал қилиб келмоқда.

Совет Иттифоқи, деб ёзди Югославиядаги «Политика» газетаси, тинчликни сақлаб қолтиш мумкинлигини ишонди. Аммо бу давлат арбобларидан юксак масъулият талаб қилади. Ю. В. Андроповнинг қуйидаги гаплари Совет Иттифоқининг бундан буюнги сиёсатини тушуниш қалити бўлиб хизмат қилиши мумкин: «Совет Иттифоқида кутуриб қилинган хуружлар бизда ғазаб-

деб ёзди Ҳиндистоннинг «Нашал геральд» газетаси. СССР ўзининг ишлари, ўз сиёсати билан тинчликка бўлган иродасини қайта-қайта тасдиқламоқда. Хўш, АҚШ-чи? Гарчи АҚШ президенти Вашингтоннинг «Тинчликсе, варлиги» тўғрисида тез-тез баландпарвоз гапларини айтётган бўлсада, бундай гаплар ҳеч қимни ишонтари олмайди, чунки амалда АҚШ бошқача, бунинг акси бўлган йўлдан бормоқда. Вашингтон ҳозирги маъмуриятининг сиёсатида яхши томонга ўзгариш аҳтиомли бор, деб бирон-бир киши умид қилган бўлса, кейинги вақтдаги воқеалар бу умидларни тамомила чиппақча қилди. Вашингтон ҳар қандай қилиб бўлса ҳам империализм мақсадларига эришишга телбаларча интиляётганлигини тасдиқлайди.

Австралия Социалистик партиясининг Бош секретари П. Саймон қуйидагиларни таъкидлади: совет раҳбари АҚШнинг империалистик доиралари ўтказётган агрессия, милитаристик сиёсатни қатъийи қораллаганига биз батамом қўшлаймиз. Вашингтон Ҳаҳонга ҳуқуқролик қилишга интилиб тинчликка жиддий хавф солмоқда. Гарбий Европада Американинг янги ядро ракеталари жойлаштирилиши АҚШнинг тинчликни қўпоришга қаратилган яна бир иғворлариди бўлур эди. Масъулиятсизлик билан қилинган маана шу телбамома ҳаракатларни тўхтатиб қолтиш зарур. Ҳаҳон халқлари Совет Иттифоқининг тинчликни мустаҳкамлашга, қулоқсизланганига қаратилган тинимсиз куч-ғайратларини таъриқлайдилар.

(ТАСС, 3 октябрь).

ПАРТИЗАНЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

МЕХИКО. (ТАСС). Гватемалада диктаторлик режимиға қарши ватанпарвар кучларнинг қулоқли қўзғолоқлари тобора кучайиб кенг қулоқ ёниб бормоқда. Жумладан, деб хабар қилади Энфепероса агентлиги, қурулланган халқ ташкилотининг (КХТ) партизан отрядлари бир неча киши ўлди ва жароҳатланди.

КХТнинг информация бюлетенида жумладан, ўтган ойнинг охиридаги ватанпарварлар Сан-Антонио шаҳридаги полиция босқармасининг қармалариға ҳужум қилганлар. Шу шаҳар яқинида бир ҳарбий юк машинаси партизанлар қўлга келтирилган портлаб кетди. Жазо отрядидегилардан бир неча киши ўлди ва жароҳатланди.

Гватемала пойтахти — Гва-

КАТЪИЙ ПОЗИЦИЯ

МЕХИКО. (ТАСС). Мексика Никарагуға нефть юборишни давом эттирди. Контрреволюцион унсурлар Никарагуа соҳилларига борадиган Мексиканинг ҳамма кемаларини гарк қилдириб юборамиз, деб дўқпўнса қилаётганликларни муносабати билан мамлакат ташқи ишлар министрининг ўринбосари Рикардо Валеро бу ерда шу гапни айтди.

Мамлакатимиз, деди министр ўринбосари, Марказий Америка давлатларига нефть сотиш тўғрисида ўз зиммасига олган мажбуриятларини бундан буюн ҳам қатъий бажараверади ва жумладан, Никарагуа ҳукумати билан мизоланган битимдан заррча бўлсада чекиниш ниятида эмас. Никарагуага нефть элтувчи Мексика кемаларида хавфсизликни таъминлаш учун зарур чоралар қўрилиши истисно эмас, деди Д. Валеро.

МРБ ОПЕРАЦИЯСИ

НЬО-ЙОРК. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар беришича, АҚШ ўтган баҳордан бери Сальвадор территориясидан Никарагуага суқилиб ўтувчи сандиончиларга қарши шайқаларни махфий таъминлаш операциясини ўтказиб келмоқда.

Сальвадор ҳарбий ҳаво кучларининг Сан-Сальвадор яқинидаги Илопанго базасига Американинг «С-130» транспорт самолётлари муттасил қўниб турибди. Бу самолётларнинг юклари марказий разведка босқармаси агентларининг назоратида қабул қилиб олинмоқда. Шу юклар ўша кимсаларнинг раҳбарлигида Сальвадор ҳарбий ҳаво кучлариға АҚШ берган «С-47» транспорт самолётларига ортилмоқда. Бу самолётлар Никарагуа сари учиб, бу мамлакатга қарши мурадлар учун ўқ-дори ва бошқа аслаҳа ташламоқда. Ҳар ҳафта 12 тағача шундай рейс қилинмоқда. «Нью-Йорк таймс» газетаси Сальвадордаги бу операция Қўша Штатлар сандиончиларга қарши гуруҳларни қувватлашни кенгайтираётганлигини далили бўлиб хизмат қилади, деб таъкидлайди.

темада шахрнинг ўзиде келатган кунларда партизанлар билан полиция соқчилари ўртасида қулоқли тўқнашувлар бўлиб бормоқда. Бир олишга чоғида тўрт нафар полициячи ўлдирлиди, икита машина портлатилиди, кўпдан-кўп авто-мобил қўш узмиш қурулларни ўлжа олинди. КХТ бюллетенида кейд этилишича, шу операциялар чоғида партизанлар талофат бермаганлар.

